

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 1452-ҳадис

1452 - وَعَنْ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ جُوَيْرِيَةَ بُنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ مِنْ عِنْدِهَا بُكْرَةً حِينَ صَلَّى الصُّبْحَ وَهِيَ فِي مَسْجِدِهَا، ثُمَّ رَجَعَ بَعْدَ أَنْ أَضْحَى وَهِيَ جَالِسَةً فَقَالَ: «مَا زِلْتِ عَلَى الْحَالِ الَّتِي فَارْفَثْتَ عَلَيْهَا؟» قَالَتْ: تَعَمْ، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَقَدْ قُلْتُ بَعْدَكِ أَرْبَعَ كَلِمَاتٍ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، لَوْ وُزِنْتِ إِمَّا قُلْتِ مُنْذُ الْيَوْمِ لَوْزَنْتُهُنَّ: سُبْحَانَ اللَّهِ وَبِحَمْدِهِ عَدَدُ خَلْقِهِ، وَرِضاً نَفْسِهِ، وَزِنَةُ عَرْشِهِ، وَمِدَادُ كَلِمَاتِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2726].

وَفِي رِوَايَةِ لَهُ: «سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدُ خَلْقِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ رِضاً نَفْسِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ زِنَةُ عَرْشِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادُ كَلِمَاتِهِ» [2726].

وَفِي رِوَايَةِ التِّرْمِذِيِّ: «أَلَا أَعْلَمُكِ كَلِمَاتٍ تَقُولُنَّهَا؟ سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدُ خَلْقِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدُ خَلْقِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ رِضاً نَفْسِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ رِضاً نَفْسِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ زِنَةُ عَرْشِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ زِنَةُ عَرْشِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادُ كَلِمَاتِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادُ كَلِمَاتِهِ، سُبْحَانَ اللَّهِ مِدَادُ كَلِمَاتِهِ» (ت 3555).

1452. Уммул мўминин Жувайрия бинтил Ҳорис розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб бомдодни ўқишга менинг олдимдан чиқдилар. Мен ўз намозгоҳимда ўтирган эдим. Чошгоҳда қайтиб келганларида ҳалиям ўтирган эдим. Шунда у зот: «Олдингдан чиқиб

кетганимдан бери шу ҳолатда ўтирибсанми?» дедилар. «Ҳа», дедим. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам менга шундай дедилар: «Мен сенинг олдингдан чиқиб кетганимдан кейин тўрт калимани уч марта айтдим. Агар улар билан сен бугун айтган нарсалар тарозига солинса, оғир келади: «Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳ, ъадада холқиҳ, ва ридо нафсиҳ, ва зината ъаршиҳ, ва мидаада калимаатиҳ», дедилар».

* Маъноси: **«Аллоҳга ҳамд айтиб, яратган маҳлуқотларининг ададича, Ўзи рози бўлгунича, Аршининг оғирлигича ва калималарининг саноғича поклаб ёд этаман».**

Имом Муслим ривояти.

Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятида: **«Субҳааналлоҳи адада холқиҳ. Субҳааналлоҳи ридо нафсиҳ. Субҳааналлоҳи зината аршиҳи. Субҳааналлоҳи мидаада калимаатиҳи»** дейилган.

* Маъноси: **«Аллоҳни яратган маҳлуқотларининг ададича поклаб ёд этаман, Аллоҳни Ўзи рози бўлгунича поклаб ёд этаман, Аллоҳни Аршининг оғирлигича поклаб ёд этаман, Аллоҳни калималарининг саноғича поклаб ёд этаман».**

“Имом Термизий ривоятида у зот: **«Сенга айтишинг учун калималарни ўргатиб қўяйми? - «Субҳааналлоҳи адада холқиҳи, Субҳааналлоҳи адада холқиҳи, Субҳааналлоҳи адада холқиҳи, Субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, Субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, Субҳааналлоҳи ризо нафсиҳи, Субҳааналлоҳи зината аршиҳи, Субҳааналлоҳи зината аршиҳи, Субҳааналлоҳи зината аршиҳи, Субҳааналлоҳи мидаада калимаатиҳи, Субҳааналлоҳи мидаада калимаатиҳи, Субҳааналлоҳи мидаада калимаатиҳи»**, дедилар».

Манба: hadis.islom.uz



